

МАВЛАВИЙ НАМАНГОНИЙ МАҚБАРАСИ

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи

илмий ходими: **Юлдашева Х**

Кириш

Ўзбекистон ҳудуди қадимдан юксак меъморий санъат, бой маданий мерос ва бетакрор тарихий обидалари билан ажралиб туради. Айниқса, Фарғона водийси, жумладан, Наманган шаҳрида сақланиб қолган меъморий ёдгорликлар халқимизнинг маънавий ҳаёти, илм-фан ва санъат тараққиёти ҳақида муҳим маълумот берувчи тарихий манбалардан ҳисобланади. Мавлавий Намангоний мақбараси ҳам ана шундай ноёб меъморий ёдгорликлардан бири бўлиб, у Наманган шаҳрининг тарихий-маданий қиёфасида алоҳида ўрин эгаллайди. Мазкур иншоот XVII асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод қилган шайх, олим ва шоир Мавлавий Муллаҳўжа Эшон номи билан боғлиқ бўлиб, унинг ҳаёти, илмий-маърифий фаолияти ва халқ орасидаги нуфузини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Ёдгорликнинг меъморий тузилиши, безак санъати, хаттотлик намуналари ҳамда унда сақланган шеърӣ битиклар ўша давр маданияти ва санъатининг юксак даражасини намоён этади. Мақбара тарихи, унинг қурилиши ва кейинги таъмирлаш жараёнлари ҳақидаги маълумотлар аجدодларимизнинг бунёдкорлик анъаналари, наққошлик ва меъморчилик маҳоратини ўрганиш учун қимматли манба бўлиб хизмат қилади. Ушбу ишда Мавлавий Намангоний ёдгорлигининг тарихи, меъморий хусусиятлари, таъмирлаш босқичлари ҳамда унинг маданий мерос сифатидаги аҳамияти ёритилади. Шунингдек, мазкур обиданинг сайёҳлик йўналишларига киритилиши уни асраш, тарғиб қилиш ва келажак авлодларга етказишда муҳим қадамлардан бири экани таъкидланади. Бу ёдгорлик Наманган шаҳрида сақланиб қолган меъморий обидалардан бири ҳисобланади. Бу меъморий мажмуа XVII асрнинг иккинчи ярмида яшаган на-манганлик шайх, олим ва шоир Мавлавий Муллаҳўжа Эшон хоти-раси учун барпо этилган. Бу ин-шоот XIX аср бошларида,

аниқроғи 1806 йилда қурилган. Кириш пештоқида “ҳижрий 1221 йил” деб ёзилган сана сақланиб қолган. И.Азимов ушбу сана обиданинг қурилган санаси деб қайд этиб ўтган. Лекин тарихчи Й.Қосимов бу сананинг биринчи таъмирланиш санаси эканлигини эътироф этиб ўтади. Мақбаранинг умумий ер майдони 0,29 гектардан иборат. Мақбара тенг томонли тархдаги зиёратхона шаклида 7х7 метр ўлчамда қурилган. Мақбара олд томонининг икки ёнида гулдасталар ва марказда равоқли қилиб безак ўрнида фойдаланилган эшик ўрни қўйилган. Эшик икки қанотдан иборат бўлиб, майда ўйма нақшлар билан безатилган. Қолган уч томони эса ғишт терилган ҳолатда қолдирилган.

Бу бинонинг салобати, ҳашаматини кўз-кўз қилиб турибди. Мақбаранинг ички қисми ганч сувоқ қилиниб, унга мойбўёқ билан гул солинган. Ғарбий деворда текис чизиб ишланган меҳроб бор. Изораларда гули-гулдон ва гириҳ нақшлар тасвирланган, араб имлосида шеърлар битилган.



Мақбара ўзининг икки асрлик тарихи мобайнида Хивадаги Паҳлавон Маҳмуд мақбараси сингари меъморлик ва шеърятнинг мухтасар ёдгорлигига айланади. Шоирлар, Мавлавий Муллаҳўжа Эшон ижодининг ихлосмандлари зиёратхона деворлари ва арақи сарровларига, кейинчалик эса бу ерда сақланадиган қоғозга шеърлар битиб қолдиришган. Мавлавий Намангоний ёдгорлиги ёзма безаклари, меъморий ечими билан меъмориал мажмуани типик намунаси сифатида алоҳида

эътиборга сазовор. Эҳтимол, бу ерда сақланаётган шеърларни ўрганиш ўша давр шоирларининг кайфияти ва ҳис-туйғуларини билишга ёрдам бериши мумкин.

Мавлавий Намангоний ҳақидаги айрим маълумотлар шахсий кутубхоналарда сақланаётган Мажзуби Намангонийнинг қўлёзма девонларида ва марғилонлик котиб Усмонхўжа бин Муҳаммад Алихўжа Марғилоний китобат қилган Фарғона водийсининг фозил кишилари ҳақида маълумот берувчи «Расоилул фузалло» номли асарда учрайди.

Мақбара қурилиши ҳақида халқ орасида турли ривоятлар бор. Биз шу ривоятлардан биттасини мисол келтирамиз. Ҳазрати Мавлавий Муллахўжа эшон вафотларига қадар Наманган шаҳрида ким вафот этса шаҳар ичқарисига дафн этар эдилар. Муллахўжа эшон халққа мурожаат қилиб жасадларини шаҳардан ташқарига, яъни даштга олиб чиқиб дафн этишларини сўрайдилар. Лекин халқ кўнмайди. Шунда Муллахўжа ўз фарзандларига васият қилиб: «Агар мен ўлсам мени шаҳардан ташқарига дафн этинглар, зора халқ бундан ибрат олса», дейдилар. Муллахўжа вафотидан сўнг васиятига мувофиқ шаҳардан ташқарига дафн этадилар, буни кўрган одамлар «Шундай улуғ одам шаҳар ташқарисига дафн этилди, энди биз шаҳар ичқарисига дафн этсак беодоблик бўлади», - деб шу вақтдан эътиборан марҳумларни даштга олиб чиқиб дафн этишадиган бўлишди.

Кейинчалик Муллахўжа эшоннинг муридлари ва ихлосмандлари томонидан пул жамғарилиб, мақбара қурилиши бошлаб юборилган. Мазкур ривоятда мақбаранинг қурилиш даври ва бинокор усталари ҳақида сўз юритилмайди.

Мавлавий Намангоний мақбараларининг қурилиши ҳақида ҳеч қандай ёзма маълумотлар йўқ. Аммо, мақбаранинг биринчи таъмиридан бошлаб, то бизнинг давримизгача олиб борилган ишлар ва мазкур ишларни бажарган меъморлар, наққошлар ҳақида маълумотлар бор.

Наманганлик шоир марҳум Мулло Отахон Нисорий 1957 йилда мақбаранинг учинчи таъмири жараёнида мақбара тарихи билан боғлиқ бўлган барча тарихий

ёзувларни қайтадан тикладилар ва деворларига настаълиқ хати билан мақбара тарихини битдилар. Тарих назм билан мухаммас усулида жуда моҳирона баён этилган. Ушбу битикларни ўрганган мутахассислар қуйидаги хулосани чиқаришди: Мақбаранинг биринчи таъмири ҳижрий сана билан 1221 йилда ёки милодий сана билан 1805 йилларда бажарилган бўлиб, таъмир ишларини бажарган усталар номаълум эканлиги баён этилган. Мазкур сўзларга асосланиб мақбара 1221-1805 йиллардаги бўлган таъмиридан тахминан 50 йиллар аввал, яъни 1755 йилларда қурилган деган хулосага келиш мумкин.

Агар шундай бўлса, демак мақбара Муллахўжа эшон вафотларидан анча йиллар олдин қурилган бўлади. Шунингдек бу-мақбара эмас, балки зиёратхона сифатида қурилган. Мақбаранинг биринчи таъмири даврида ичкарасидаги деворларга турли нақшлар ишланган. Афсуски, наққошлар ҳақида ҳеч бир маълумот сақланиб қолмаган.

Мақбаранинг иккинчи таъмирини эса, ҳижрий сананинг 1324 йилида, милодий сана билан 1905 йилда, яъни биринчи таъмиридан 100 йил ўтгандан сўнг баён этилади. Мақбаранинг иккинчи таъмирида наққош мулла Зокир Охун, уста Ҳусайн ва уста Абдураззоқ наққошлар ишлагани айтилган. Наққош уста Абдураззоқ ва Зокир Охуннинг мақбара ичкарасидаги деворларга нозик дид билан чизган нақшлари ҳар бир кишини ўзига мафтун этади.

Учинчи таъмири 1378 ҳижрий йилда, милодий йил билан 1957 йилда бўлгани, таъмир ишларини уста Нишонбой ўз ўғли Зокиржон билан бажаргани ва таъмир учун керакли ашёларни Абдусаттор Раҳматов раҳбарлигида топиб берилгани аниқланди.

Мавлавий Намангоний иншооти ўтмиш аجدодларимиз санъати ва маданиятининг ёрқин намуналаридан биридир. Юқоридагилардан келиб чиқиб, сайёҳлик йўналишини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Юсупов И., Мирзалиев Э. Наманган вилояти меъморий обидалари сирлари. – Наманган, 2008. – Б. 41.
2. Юсупов И., Мирзалиев Э. Наманган шаҳри тарихидан лавҳалар. – Наманган, 2010. – Б. 105.
3. Жабборов А. Наманган вилояти. – Наманган, 2011. – Б. 172.